

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 14 феврал чоршанба Сутувда эркин нархда № 33 (2595)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI



Кўргонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлайдиган кичик завод ташкил этилгани кўпчиликка манзур бўлди. Корхона кунига 20 тоннага яқин сутни қайта ишлаш қувватига эга. Хўжалик раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Ашхон Аҳмедов кичик заводни барпо этишда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш Марказий Осиё-Америка фондининг кўмагини унумли фойдаланди.

СУРАТЛАРДА: ишчи Зилолаҳон Абдуллаева корхонада тайёрланган маҳсулотни кўз-кўз қилмоқда; чехда иш қилгани.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида

Меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқарувни ташкил этиш даражасини ошириш ва такомиллаштириш, аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштириш шароитида ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шу асосда аҳолининг фаровонлиги барқарор юксалиб боришини таъминлаш мақсадида:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг тақлифи қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:
халқнинг моддий фаровонлиги барқарор суратда мутасил ўсиб боришини таъминлашга, иқтисодий тўбора эркинлаштириш шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш кучайтиришга қаратилган ягона сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш;

ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари шақланиб қолади; туман (шаҳар) меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларига ҳисоб берадилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари негизда Қорақалпоғистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

4. Қуйидагилар белгилансин: туманлар ва шаҳарларда амалдаги меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари

нинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.
5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхона ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 13 феврал.

### Қарор ва ижро

## «Лизинг — фермер мададкори»,

— дейди пахтакорлик Бобо Раҳматов

Фермер хўжалиги, — у каттами-кичими, техникасига эга бўлмаса, ҳеч қачон оёққа тура олмайди. — Нима, МТПлар хизмати сизларни қониқтирмайптими? — сўраймиз улардан. — Узингизникига нима етсин? — дейди «Бекмурод» фермер хўжалиги раиси Х.Хужамуродов. — Ростки, МТП техникаларини хоҳлаган пайтда буюртма билан олиб келолмайсан. Янги ишлов пайтида вақтдан ютказиш мумкин. Қолаверса, нарх-навоси баъзан «чақали». Яширадиган жойи йўқ, ёниги-моиллаш материалларини ҳам кўпгина ўзимиз топшишга тўғри келмоқда. — Энди мен кўшини фермерларга ҳам ер ҳай-

лаш, экинга ишлов бериш масалаларида ёрдам беришим мумкин, — сўхбатга қўшилди «Амир Темур» фермер хўжалиги раҳбари Қ.Азимов. — Албатта, ҳашарчи сифатида эмас... Ахир, мен ҳозиргина олган «МТЗ-82»нинг қариздан қутулишим ҳам керак-да! Фермерларнинг иқтисодини, ўзaro ҳисоб-китобини ўйлаётганликларни яхши. Бозор иқтисодиёти шароитида бундан мақсадга эришиш мумкин ҳам эмас. Ҳар бир сўм тақдирини қизиққанларига жамоага раҳбар бўла олади. Яна лизинг ҳақида. Бу — техникани бир неча йилга арзон-гаровга берувчи, дунё амалиётида синналган, ҳар икки томон учун афзал замонавий усул.

Пахтакор тумани ҳокимлиги, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси эса, бу ишга ҳеч иккиланмай дадил киришдилар. Маблағи кам бўлган 2-3 фермер хўжалиги пулларини марказлаштириш ҳоллари ҳам бўлди.

Яқинда туман марказига тулган вилоятдаги барча хўжалик раҳбарлари, фермерлар, тадбиркорлар лизингга техника сотиб олиш йўли-йўриқларини ўргандилар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 2 ноябрида эълон қилинган «Қишлоқли лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти хусусида фикр алмашдилар.

Худди шу ернинг узида кўпчилик «Ўзқишлоқхўжалик-лизинг» компаниясининг вилоят филиали билан техника сотиб олиш учун шартнома ҳам тузишга эришди.

Баҳриддин САТҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мамлакатимизда

### Майдонда оқ либослилар

Ўзбек қаратчиларининг халқаро муسابоқалари эришмаётган галабалардан буён ҳаммамиз ҳасби равишда курур ва ифтхор туямиз. Марказий Осиёда леона 6-ДАН қора белбоғ соҳиби Нурхон Нафасовнинг оқ кийимли ёш шоғирлари 2004 йили қабим Африқада бўладиган Олимпиада ўйинларида ҳам медаллар шонига билан қайтиши учун ҳозирдан тайёрлашни бошлаб юборилган. 17-18 феврал куллари МХСК спорт мажмуида ўтказилмайдиган навбатида мамлакат чемпионати ҳам йиғиларимиз маҳоратини янада ошириши шубҳасиз. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тўпланган миқлаб ёшлар мамлакат чемпиони деган унвонга сазовор бўлиш учун татаммага чиқадилар. Бахшлар жуда кескин ва муросасиз бўлиши тайин. Зеро, чемпионатода ўзини кўрсата олганлар терма жамоа таркибига қўшилиди.

### Кредит олишни истасангиз...

Республика «Савдогар» банкнинг Сурхондарё вилояти бўлими фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Кичик фурсат ичида Музратом, Денов, Олтинсой туманларида унинг филиаллари очилди. Ушбу йил банк вилоят аҳолисининг 8 турсиди озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни тўла қондириш мақсадида савдо корхоналарида 126 миллион сўм кредит ажратди. Урта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида янча тартибдаги тадбиркорларга 72 миллион сўм кредит берди.

### Ўқитувчи ўқиса, ёмонми?..

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани мактаблари, академик лицей ва коллежлари қандай ўқитилмоқда? Ана шу масала Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан текшириб кўрилади. Унда ушбу фани ўқитиш талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Эле аввало, ўқитувчиларнинг ўзларининг ҳуқуқий саводхонлиги паст эканлиги аниқланди. Нима қилиш керак? Ҳуқуқшу бўлиш: ўқитиш керак. Қим ўқитадиз? Бу ишни ҳам прокуратура ҳоҳимлари ўз зиммаларига олишди. Шундай қилиб, дастлабки машигулот Қасби туман прокуратурасининг «Ҳуқуқий маърифат хонаси»да бўлиб ўтди. Туман прокурори Манинон Пармонов, вилоят прокуратурасининг ҳуқуқ тарбият ва қонунлари мўжассамали бўйича катта ёрдамчиси Довуд Мадиев ўқитувчиларни ўқитдилар. Бу ишнинг ўқитиш бўлими. Савол-жавоб, баҳс-мунозаралар ишчи кўрсатилди, бундай машигулот ҳар жашадан фойдалани. Яна шу ҳам аниқ бўлдики, ўқитувчи бир оқинга ҳам ўқидан тўтатмаслиги керак экан. Бунга улар машигулотлар жараёнида ишонч ҳосил қилдилар.



## Курраи заминда

### Тулеев курашга киришди

Яна бир неча кундан сўнг Россияда губернаторлик лавозими учун сайловлар қўрилди. Кечки Кемерово губернаторлиги учун Ўзбекистон вилоят сайлов комиссияси сайловчиларнинг 23 миля нускалиги икки орақларини топширди. Бу қўрсаткич сайлов қўнчилигида кўрсатиладиган ҳам анча ошқарди. Шунинг ҳам айтиши керакки, вилоят сайлов комиссияси нафақат ушбу ҳужжат, балки О.Тулеевнинг мол-мулки ва йиллик даромадлари ҳақидаги маълумотлар ҳам етказилган. Унга кура губернаторлиги 2000 йилдаги даромади 264 миля рублдан ташкил этган. Мол-мулки эса барномада қилинган даражада эмас. Кемерово губернаторлиги учун икки нафар номзод: Валентин Тулеев ва депутат Сергей Невсеров ва вилоят техника коллежи директори Сергей Носковлар курашмоқда.

### Европа Иттифоқи Грузия учун

Европа Иттифоқи Грузияга 10 миллион евролик грант ажратди. Европа Иттифоқи вакиллари ва Грузия маълий банк раҳбарлари ўртасида шу ҳақда аниқлаш муаммоларини имқолиди. Ушбу маблағ Еврокомиссиянинг фаолиятида молнинг ёрдам дастури доирасида ажратилди. Бу дастур мамлакатларда ислохотлар ўқитиш ва уларнинг ташқи қарзларини тўлашда кўмак беришига кўзда тутилди. 1997 йилдан буён Грузия мажбур дастур асосида кредит тарихида 110 миллион евро, грант тарихида эса 55 миллион евро олд.

### Бушнинг ўз йўли бор

АҚШ президенти Жорж Буш Исроил билан Фаластин ўртасида тинчлик ўрнатиш борисида собиқ президент Билл Клинтон оғли сўраш тақлифларини қўллаб-қувватламади. Ж.Бушнинг маълий хавфсизлик масалаларини бўйича ёрдамчиси Кондализа Райс ишдаи деди. Ушунг айтишича, Ж.Буш бу музокараларда АҚШнинг қамқор ўрин тутуши ва жараён учун асосий жаавобгарлик Ёшар Арафот ва Ариэл Шарон зиммасида бўлиши тарафдоридир.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!


«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ва Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига атаб

### «ВАЯПАН ЯГОНАДЧИР, ВАЯПАН БИЯПАНДЧИР»

мавзуда республика ижодкорлари танловини ўтказмади. Унда Ўзбекистонлик ҳар бир ижодкор миллий мустақиллигимиз юзларини шакллантириш, замонамиз ҳақрамонлари ҳамда ёшларимизнинг жамиятдаги ўринини белгиловчи омилар, Ўзбекистоннинг маънавий қадриятлари ва маданият соҳасида эришган ютуқлари, мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўн йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ислохотлар самараси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий ҳаётимиздаги ўзгаришлар ва янгилашлар ҳақида ўз

### ПУБЛИЦИСТИК, ТАНИҚИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАРИ, ОЧЕРКЛАРИ, ДУСТИН ВА ҲИКОЯЛАРИ ҲАМДА ФОТОСУРАТЛАРИ

билан қўнатиши мумкин. Энг яқин деб топилган асарлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилади. Ҳолилар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:



Ва бешта рабатлантирувчи мукофот — қиймати 50 миля сўмдан зиёд бўлган қимматбаҳо совға-лар.

Танлов жорий йилнинг 20 августидан якунланади. Танлов гўлибларига мукофотлар 1 сентябр — республика мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида топширилади. Мувожаат учун маъналиямиз: Тошкент шаҳри, Манбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-57-34, 133-10-28, 133-14-29.

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА.

## Янги ҳосил учун

Бюбод пахта тозалаш заводи янги мавсум учун туман хўжаликлариغا серҳосил, эртапшар, тола сифати юқори бўлган урув-фатк юқори тайёрлашни ниҳонига етказмоқда. Ҳозиргача 1 миля 260 тонна сара урув тайёрлаб қўйилди. Урув сифати алоҳида эътибор бериламоқда. Улар маҳсус химикатлар билан зарарсизлантириламоқда. Бу эса ишқолларнинг илдиҳи чирини, гаммоз касалликларига чидамлигини оширади. — Янги мавсум учун туман далаларида яхши самара берган «Омад», «Оқдар» «175-Ф», «Ан-402» ва «С65-24» пахта навалари урувларини етказиб бераётган, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рўзали Қюмонов. — Янги навлар досладор, толаси пинши, жаҳон бозори талабларига мос. Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обунга давом этаётганлигини маълум қиламиз.






«ВАПААН ЯҒОНАДИР, ВАПААН БИПАПАДИР» ТАНЛОВИГА

Мухаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

МУҲАММАДҚОДИР



Бобурдан меросми Кўзингдаги чўғ, Эй сен мушти қаттиқ, Кўнгли буш бола...

Ўзи яйрамаган Сени яйратиб, Отанг сўхар келиб, Кетган саҳарда...

Бахтиёр болалик Кечаси эртақ, Юраги увшиган, Кўзи ачишган...

Асл чемпион ҳар Ҳалбаб бўлган, Даладир дунёда Асли катта ринг...

Зарбингдан қалқисин Кулаётганлар, Юмишқ ўрнидан бир Туриб қўйсинлар...

Кураш тўйларга кўрк, Сайида эрмақ, Билакларга бердик Хирмонларда тоб...

Бизнинг устозимиз Имон ва ихлоқ, Асли-ку мақтанши Эмас бизга хос...

Кимлардир бизларни Қўшмасди сағға, Муштингда миллатнинг Номуси жодир...

Денгиз бўлиб жўшгин, Дарё бўлиб қалқ, Кетсин кўнглилардан Ранжлар озори...

Қадоқ битган панжа Зарби шунақа, Кетмон тутган панжа Зарби шунақа...

Ҳаёт асли кураш, Ҳаёт асли жанг, Янги зафарларга Йўласин сени...

Мен булбул эмасман, Мен бир жайдари, Кўнглимга сизиниб Бир қалам сурдим...

«Бир келиб-кетинг стадионимизга...»

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Сурхондарё вилоятида қандай бажарилмоқда?

«Умуман яхши»

Алпомиш элида бўлиб, спорт ривож ва оммавийлигига мутасадди кишиларга юқоридаги саволи берсангиз...

— Ҳукумат қарорига мувофиқ, — гап бошлади вилоят спорт қўмитаси раиси Холбой Хуррамов...

— Келинг, шу масалага чуқурроқ ёндашсак. Чунки бундай ҳолатни Сурхондарёдан бошқа вилоятларда ҳам кўриш мумкин...

— Биласизми, ушбу муассасалардан етишиб чиқаётган спортчилар бизни қониқтирмаётганлиги учун шундай фикрлар ҳозир ҳам билдириляпти...

Хизмат сафари давомида вилоятдаги яна кўпгина «умуман яхши» ишлар ҳақида билиб олдим...

Мен булбул эмасман, Мен бир жайдари, Кўнглимга сизиниб Бир қалам сурдим...

65 миллион сўмлик реконструкция ишлари бошланган. — Насиб қилса, бизнинг мухлислар ҳам юбилей арафасида усти ёпиқ гузал стадионга эга бўлишди...

— Тумандаги марказий стадионимиз. Тўғриси айтмай, табиий чим билан тўзлик қопланган бундай майдонни баъзи вилоят марказларида ҳам топиш мумкин...

— Тумандаги бирор спорт мактабининг кўрсатидигани...

35-урта мактаб базасида ташкил қилинган спорт мактабиди қорувлини ҳам топиб бўлмади...

Мақтаб фаррошларидан спорт залини очиб беришлари аниқ эмас...

Мен ҳам мамнун бўлдим. Ахир ёшларимизнинг замонавий кулайликка эга бўлиши қувонarli ҳол эмасми?

кин ўпирибди тушган сувоқлар ўрни... Машгулотлар авжиди бўлгани сабаб шифтгача кўтирилган чангини табиий ҳолат десак ҳам...

Тумандаги марказий стадионимиз. Тўғриси айтмай, табиий чим билан тўзлик қопланган бундай майдонни баъзи вилоят марказларида ҳам топиш мумкин...

— Тумандаги бирор спорт мактабининг кўрсатидигани...

35-урта мактаб базасида ташкил қилинган спорт мактабиди қорувлини ҳам топиб бўлмади...

Мақтаб фаррошларидан спорт залини очиб беришлари аниқ эмас...

ли сабаб иккаласи ҳам «таътил»да экан десак, туман спорт қўмитаси раиси Ахбор Умаров, қатий жавоб асосида ишляпти...

Туман истеъдодли болалар мактаб-интернати аjoyиб спорт залига эга экан. Тозалик, яратилган шaroитлар ҳаммаси жойида...

— Мен республика федерацияси билан ҳам, вилоятдаги муассасари билан ҳам қандай алоқа қилмайман...

Хулоса ўрнида Юқоридики камчиликларнинг сабаби нимада, деб сўрасангиз...

Мақтаб фаррошларидан спорт залини очиб беришлари аниқ эмас...

Денос туман марказидаги стадион ҳошида икхита спорт зали ташкил этилибди. Биринчи ўзбек кураши, иккинчиси оғир атлетика билан шуғулланишга мўлжалланган...

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жумбоқ

Бир подшоҳнинг катта кўзаси бор экан. У бехосдан дарз кетибди. Шунда подшоҳ вазирларига шу кўзани тикиб беришни буюрибди...

Ва яна шундай хангомалар Денос туман марказидаги стадион ҳошида икхита спорт зали ташкил этилибди...

Кечаги жумбоқнинг жавоби: Муминка энг яхши турган адремет — дерага рази.



«ИНТЕРНЕТ-UZ»

1-Миллий Интернет фестивали

XXI аср — ахборот коммуникация технологияларининг мислсиз равнақи асридир. Янги асрда ахборот технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш даражаси ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида ҳақ қилувчи омилга айланиб бормоқда...

Интернет фестивалининг бош мақсади:

— Миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимлари, технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда мамлакатда ахборот индустриясини ривожлантиришга қўмаклашиш;

Интернет фестивалида танлов куйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

- 1. Йилнинг энг яхши ахборот-таҳлил сайти
2. Энг яхши корпоратив сайт
3. Санъат ва маданиятга оид энг яхши сайт
4. Электрон тижоратнинг энг яхши сайти
5. Энг яхши илмий сайт
6. Энг яхши спорт сайти
7. Энг яхши Web-дизайн
8. Ўзбекистонда Интернет ривожига оид энг яхши мақола
9. Интернет учун ишлаб чиқилган энг яхши дастур
10. Ўзбекистонда Интернет ривожига қўшилган энг яхши ҳисса
11. Йилнинг энг яхши Интернет лойиҳаси
12. Йилнинг энг яхши провайдери
13. Энг яхши Интернет кафе лойиҳаси
14. Болалар ва ёшлар учун яхши лойиҳа
15. Энг яхши ватанпарварлик сайти
16. Энг яхши ёш дастур
17. Ўзбекистон ҳақида энг яхши хорижий интернет-лоийҳа

Интернет фестивали шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни Ташкилий қўмита ишчи гуруҳининг 144-34-14 рақамли телефони орқали ёки Интернет фестивалининг www.UzPAK.Uz серверидаги Web саҳифасидан олишингиз мумкин.

Интернет фестивали шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни Ташкилий қўмита ишчи гуруҳининг 144-34-14 рақамли телефони орқали ёки Интернет фестивалининг www.UzPAK.Uz серверидаги Web саҳифасидан олишингиз мумкин.

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиеда ягона корхона

«Лок колор сизингиз»

республикада ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.

Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!

- ҚУРИЛИШ ЭХТИЁЖЛАРИ
УЧУН:
✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
✓ Алкид эмаллари.
✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
✓ Акрилат эмаллари.
✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
✓ L 80, 100, 120 мм.ли михлар.
✓ Умилысия елими.
✓ Силикат елими.

САНОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ
УЧУН:
✓ Универсал алкид бўёқлари.
✓ Универсал алкид лаклари.
✓ Алкид-уретан эмаллари.
✓ Акрилат эмаллари.
✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фаргона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741, 1918094. Факс: (99871) 191746.
E-mail: lokolor@online.ru.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Тошкент» каналининг катта муҳаррири К.Рўзиметовага отаси, кекса тележурналист Ёқубжон ЮСУПОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (Махлук котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
Р. САФАРОВ,
М. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
О. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙШЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минатақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Ҳалқ, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета тахририят компьютер базасида термидил ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Қ. ЭШИМАТОВ.
Муасхадх — Ш. МАНШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Тоширишда — 22.00.
1 2 3 4 5 6